

НОИНФЕКЦИОН КАСАЛЛИК БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БОЛАЛАРДА КАСАЛЛИК АСОРАТЛАНИШИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ

Тохтаева Д.М., Шомансурова Э.А.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент

Долзарблиги. Жахон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотларига кўра, “...дунёнинг индустриал ва ривожланган давлатларида сурункали юқумсиз касалликлар билан оғриган беморлар сони йилдан йилга ортиб бормоқда”(World Health Organization – Cancer Country Profiles, 2014.) Айни вақтда сурункали юқумсиз касалликлар (СЮК) билан курашиш миллат саломатлигини бошқарувини замонавий концепциясида асосий ҳисобланади.

Мақсад. Болалар ва ўсмирларда сурункали юқумли бўлмаган касалликларни ривожланиш(асоратланиш) хавфи назоратини ўрганиш ва соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўлинида ўрта тиббиёт ходимлари амалиётида профилактик ва реабилитацион ёндашувларни такомиллаштириш усуллари бўйича ёндашувлар ишлаб чиқиш.

Материал ва услублар. Шахар оилавий поликлиника ҳамшираларини анкета суровнома дан ўтказилди. Тахлилда Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи қандли диабет билан касалланган 1 ёшдан 18 ёшгачан бўлган болалар иштирок этиб, интенсивлиги, динамикаси, жинси, ёши, ижтимоий ва профессионал гуруҳлари ва бошқалар ҳақида маълумотлар анкетага киритилди.

Натижалар ва муҳокамаси. Тадқиқотимизда 275 та соғлом деб ҳисобланган болалар яъни 139 та (51%) қиз бола ва 136 та (49%) ўғил бола анкета сўровномада иштирок этди. Текширилувчи болаларни 3 та гуруҳга бўлиб ўргандик. 1 гуруҳ болаларни ўртача ёши 8-10 ёшни ташкил қилса, 2 гуруҳники 11-14 ёш, 3 гуруҳ эса 15-17 ёшни ташкил этади. Жами текширилувчилардан 8-10 ёшли болалар 8 нафар (2,9%) 2-гуруҳ эса 11-14 ёш, 134 нафар (48,7 %) ва 3 гуруҳ 15-17 ёшлилар 133 нафар (48,4%)ни ташкил этади. Текширилувчиларни ёши, бўйи, вазни, бўкса айланаси ва қондаги қанд миқдори бўйича характерлаганимизда текширилувчиларни ёши бўйича энг кам кўрсаткичи 10 ёш булса, энг баланд кўрсаткичи 17 ёш ва ўртача кўрсаткичи 14 ёшни ташкил этади. Қондаги қанд миқдори эса энг кам кўрсаткич 2, энг баланд кўрсаткич 8, ўртача кўрсаткич эса 4ни ташкил этди. Қондаги қанд миқдорини текширганимизда жами 115 нафар бола қатнашди. шулардан 42 нафари қиз бола, 73 нафари эса ўғил бола. Соғлом деб ҳисобланган болалардан 11 нафарида 7 нафар қиз ва 4 нафар ўғил болада қонда глюкоза миқдори паст кўрсаткични кўрсатди. 90 нафар бола яъни 55 нафар қиз, 35 нафар ўғил болада қонида глюкоза миқдори норма ни курсатган булса, 14 нафардан 3 та ўғил бола ва 11 та қиз болада эса қонида глюкоза кўрсаткичи юқори даражадалиги аниқланди. Ширинлик исътемоли қилиш даражаси бўйича берган саволимизга жами 209 нафар бола жавоб қайтарган бўлиб, бундан 176 нафар бола қунига 2 маротабадан кўп ширинлик исътемоли қилишини белгиланган бўлса, 33 нафари эса қунига 2 маротабадан кам ширинлик исътемоли қилишини билдирган. Булардан 8-10 ёшли болалар ўртасида 7 нафари қунига 2 маротабадан кўп исътемоли қилишини белгиланган бўлса, 11-14 ёшдаги болаларни 85 нафари қунига 2 маротабадан кўп исътемоли қиламан деб белгиланган ва 22 нафари эса қунига 2 маротабадан кам ширинлик исътемоли қиламан деб жавоб берган. 15-17 ёшлилар ўртасидаги сўровномада 84 нафар бола қунига 2 маротаба ширинлик исътемоли қилишини белгиланган, 11 нафари эса 2 махалдан кам исътемоли қиламан деб белгиланган.

Хулоса. Тадқиқот натижаларига кўра СЮБК билан касалланган болалар орасидан, Ширинлик исътемоли бўйича энг юқори кўрсаткич 2-гуруҳ 11-14 ёшдаги болалар ўртасида аниқланган бўлса, қондаги қанд миқдори эса қиз болаларда ўғил болаларга

нисбатан юқориқоқ эканлигини кўрсатди. Олинган натижалар шуни кўрсатадики оила хамширалари болалар ва ўсмирлар орасида мувоzanатли меню тузиш ва тўғри овқатланишни тарғиб қилишни, соғлом турмуш тарзига риоя қилишни ўргатиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шамансурова, Э. А., and Ш. А. Абдуразакова. "Роль pH мочи при уролитиазе у детей." Российский педиатрический журнал 3.1 (2022): 341.
2. Агзамова, Ш. А., and Ф. Р. Бабаджанова. "ВРОЖДЕННЫХ ПОРОКОВ СЕРДЦА У ДЕТЕЙ ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН." Вестник национального детского медицинского центра 2 (2022): 11-15.
3. Деворова, Маърифат. "Современный взгляд на аллергические заболевания у детей, родившихся от матерей с аллергическими заболеваниями." in Library 20.2 (2020): 17-19.
4. Хасанова, Г. М. "ПРОГНОСТИЧЕСКАЯ ЗНАЧИМОСТЬ АДИПОНЕКТИНА И ВЫСОКОЧУВСТВИТЕЛЬНОГО С-РЕАКТИВНОГО БЕЛКА И ИХ ВКЛАД В ФАКТОРЫ РИСКА РАЗВИТИЯ СЕРДЕЧНО-СОСУДИСТЫХ НАРУШЕНИЙ У ПОДРОСТКОВ С ОЖИРЕНИЕМ." Colloquium-journal. No. 13-2. Голопристанський міськрайонний центр зайнятості= Голопристанский районный центр занятости, 2020.
5. Исаханова, Нигора Хикматовна. "КЛИНИКА-ПАТОГЕНИТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ РОЛИ ВИТАМИНА Д У ДЕТЕЙ С РЕЦИДИВИРУЮЩИМИ РЕСПИРАТОРНЫМИ ЗАБОЛЕВАНИЯМИ." Colloquium-Journal. No. 7-2. Голопристанський міськрайонний центр зайнятості= Голопристанский районный центр занятости, 2020.
6. Шайхова, М. И., and Д. И. Каримова. "Изучение частоты встречаемости аллергических заболеваний у детей школьного возраста с гельминто-протозойной инфекцией." Forcipe 2.S3 (2019): 64-64.
7. Улугов, А. И., and Ж. Ж. Бутаев. "Биофизические свойства мембраны эритроцитов при респираторных аллергических заболеваниях у детей." Врач-аспирант 62.1.4 (2014): 556-561.

DYNAMIC MONITORING OF DIABETES AMONG CHILDREN

Tokhtaeva D.M., Shomansurova E.A

Tashkent Pediatric Medical Institute, Republic Uzbekistan, Tashkent

Introduction. According to the experts of the World Health Organization (WHO), "QD is a problem for all ages and all countries." In recent decades, the prevalence of diabetes has become a pandemic, affecting almost all states. In particular, the prevalence of type 1 diabetes in children has increased by 35.7% (from 59.4 to 80.6 per 100,000 children), and by 68.9% in adolescents (from 108.5 to 183.5 per 100,000).

Objective. To study the risk control of the development of chronic non-infectious diseases in children and adolescents and to develop approaches for improving preventive and rehabilitation approaches in the practice of secondary medical workers at the primary level of health care.

Materials and methods. 119 children and adolescents with QD living in Yashnaabad and Mirzo Ulug'bek districts of Tashkent city and family and patronage nurses working in Yashnaabad district MKTP took part in the study. The rate of increase in morbidity among children and adolescents, healthy eating and the level of knowledge of nurses about the disease were determined using the questionnaire method.

Results and discussion. In order to ensure the leading role of primary health care in the Republic of Uzbekistan, an extensive network of outpatient clinics has been created. That is, in